Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensiyalari” mavzusidagi respublika il...

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БУНЁДКОРЛИК ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қувватова Феруза
Андижон машинасозлик институти “Иқтисодиёт” мутахассислиги 2-босқич магистранти

Аннотация. Мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда ёш авлодни замонавий билимларга эга бўлган рақобатбардош кадрлар қилиб шаклланишларида бунёдкорлик эҳтиёжларини ўрни ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга мақолада аҳамиятга молик мулоҳазалар ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар. Янги авлод, ахборот коммуникация технологиялари, ахборот асри, интернет, бунёдкорлик эҳтиёжлари, рақамли иқтисодиёт.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий соҳаларда инсон капиталига, айниқса, ёшлар тарбиясига беқиёс эътибор берилмоқда. Республикамиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи ёшларни ташкил этиши туфайли ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Янгиланаётган Ўзбекистонда бугунги кунда ёшларнинг тарбиясига ва уларнинг камол топишига катта аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз” деб таъкидланган[1. 6-б.]. ёш авлодни ва унинг эҳтиёжларини тадбиркорлик руҳида шакллантириш ва ривожлантиришнинг имкониятлари ва амалиёти бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аввалambор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир” – деган эди. [2.28-бет]. Инсон тарбияси – шахсни ижтимоийлаштириш, жамият тараққиётининг фаол ижодкори қилиб тайёрлаш мақсадида жисмоний ва маънавий баркамол бўлиб етишишига таъсир кўрсатиб борадиган ижтимоий жараёндир. Мамлакат миқёсида бўлаётган ислоҳотларни ва ўзгаришларни онглай оладиган, ўзи истиқомат қилаётган оиласи, маҳалласи, қишлоғи, шаҳарининг ривожига ҳисса қўшишга интиладиган даражада таълим ва тарбия олган жисмонан соғлом ва маънавиятли етишиб келаётган авлод ижтимоий фаол шахс бўлиб шаклланa олади. Ривожланган илғор жамиятларгина шундай ижтимоий муҳитни яратиш имкониятига эгадирлар.

Published: 17.05.2024

Cite this article: Қувватова Феруза (2024). Янги Ўзбекистонда бунёдкорлик эҳтиёжларини шакллантириш хусусиятлари. Emro Science and Education, 1(3). https://journal.emro.uz/public/maqola/105

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрь кунидаги 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир” [3] - деб айтган даъвати глобал аҳамият кашф этиб янгиланаётган мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилмоқда ва ижобий натижалар бермоқда.

Инсон тирик организм бўлганлиги учун ҳам унга эҳтиёжлар хосдир. Шаклланган туғма ва ижтимоий эҳтиёжлар инсонни ҳаракатга чорлайдиган ички кучидир. Инсон эҳтиёжлари, одатда, ўз мазиунига кўра 1) табиий, 2) маънавий (интеллектуал), 3) социал характерда бўлади.Табиий эҳтиёжлар бу – инсоннинг озиқ-овқатга, кийим-кечакка, уй-жойга, уйқуга, дам олишга, иссиқликка ва шу кабиларга бўлган эҳтиёжларидир.Табиий эҳтиёжларга хослик шундан иборатки, улар миқдор ва сифат жиҳатидан чегарага эга, ҳажмга боғлиқ. Масалан, озиқ-овқатга, уйқуга бўлган эҳтиёжлар каби. Маънавий (интеллектуал) эҳтиёжлар инсоннинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, инсоннинг билим олишга, илму фанга, маданиятга, динга ва шу кабиларга бўлган эҳтиёжларидир. Ижтимоий тараққиёт маҳсули бўлган инсонга социал эҳтиёжлар ҳам хосдир.Социал эҳтиёжлар бу инсоннинг жамиятда яшашга, ҳамжиҳатлик ёки рақобатга, бир-бири билан муносабатда ва мулоқотда бўлишига, қисқаси, инсоннинг инсонга бўлган эҳтиёжларидир. Маънавий ва социал эҳтиёжлар чегарасиз, ҳажмсиз бўлиб, улар жамият ва давлат томонидан қонунлар, қоидалар, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар, менталитет, аҳлоқ, одоб, дин, эътиқод ва шу кабилар орқали тартибга солинади, назорат қилинади. Инсон маънавияти унинг маънавий эҳтиёжларини қондириш орқали шаклланади. Маънавий эҳтиёжлар эса маънавий ноз-неъматлар билан қондирилади. Маънавий ноз-неъматлар моддий ва номоддий бўлади.

Ёшларнинг ижтимоий фаоликка бўлган эҳтиёжларининг шаклланиши жараёнига бу сифатларга хос фазилатларни сингдириш психологик ва педагогик жиҳатдан мураккаб, кўп қиррали ва узоқ муддат талаб қилгувчи, шу билан бирга, янги вазифаларни белгилаб берадиган ниҳоятда долзарб муаммолардан биридир. Яхши тайёргарлик билан амалга оширилган ушбу услублар ижобий натижалар беради.

Рақамли иқтисодиётни амалда қўллай бошлаган Янги Ўзбекистонда замонавий технологияларга мос ёш авлодни тарбиялаш, дунё бозорида рақобатбардош бўла оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш устувор вазифалардан қилиб белгиланиб олинган ва ҳаётда ўз аксини топмоқда. Шунинг учун ҳам инсон омилига ва унинг ривожланишига мамлакатимизда катта инвестициялар киритилмоқда ҳамда юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кун баркамол авлод ёшларнинг тарбиялашда ахборот-комуникация технологияларини ўрганиш етакчи ўринни эгаллайди. Яъни, бугунги куннинг замонавий малакали мутахассиси бўлиши учун замонавий билимдан орқада қолмаслигимиз кераклигини келажак авлод ёшлари онгига сингдиришимиз зарур бўлади.

Ilmiy rahbar: i.f.n., dotsent M.Axunov

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2021 йил.

2. Ш.Мирзиёев. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш-демократик жамиятнинг асосидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. 2017 йил 19 сентябрь. 1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 2021 й. 82-бет.

3. “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”. Тошкент ш., 2017 йил 7 сентябрь,ЎРҚ-443-сон.

4. Замонавий таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш истиқболлари. Хашимова Д.П., Парпиева Р.А. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020 yil.

5. М.Ахунов. Инсон эҳтиёжлари ва ёшларнинг маънавий тарбияси. “Илмий хабарнома” журнали,№4, Андижон, 2013 йил.

6. М.Ахунов. Инсон омили - ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи кучи ва бош мақсади. “Илмий хабарнома” журнали,№ 1, Андижон ,2016 йил, 50-бет.

ЭКОНОМИКА УЗБЕКИСТАНА: РЕАЛЬНО ЛИ ДЕДОЛЛАРИЗАЦИЯ

К.К.Нумонов – к.э.н., доцент, АндИСХА
Р.Р.Солиев- ассистент, АндИСХА

В настоящее время использование иностранной валюты (в основном доллара США) преимущественно перед национальной валютой помимо международных расчетов внутри республики создает серьезные проблемы перед национальной экономикой. Это проявляется в снижении уровня экономического развития, минимизации доходности бюджетов, что снижает размеры вложений в важные отрасли экономики и социальной сферы, предотвращает монетарных методов контроля инфляции, повышении волатильности обменного курса и стимулировании теневой экономики. Вдобавок к этому необходимо отметить, что все средства, которые накапливаются в иностранной валюте не могут быть использованы в реальном экономическом процессе, что приводит к снижению экономического роста, стагнации производства.

Здесь возникает вопрос, какие факторы повлияли на то, чтобы уровень долларизации экономики республики оказалось очень высокими на сегодняшний день? И самое главное, какими способами возможно снизить негативное влияние иностранной валюты на национальную экономику?

В республике за годы независимости старались чтобы денежно-кредитная и финансовая политика нацеливались на то, чтобы обеспечить твердый устойчивый обменный курс сума по отношению другим иностранным валютам,